ИЛМИЙ АХБОРОТ

ПАРАФРАЗАЛАР ВА УЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Санъат ШОДИЕВ
катта ўқитувчи
Самарқанд давлат чет тиллар институти
shodiyev198004@gmail.com

Аннотация

Мақола тилшуносликдаги парафраза, образли тасвир, деривация, турғун ва турғун бўлмаган ифодалар ҳамда фразеологик иборалар каби тушунчаларни ўрганишга бағишланган. Муаллиф ушбу тушунчаларга таъриф бериб, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини кўрсатишга эътибор қаратган.

Аннотация

Статья посвящается таким лингвистическим понятиям, как парафраза, образное описание, деривация, устойчивые выражения, неустойчивые выражения и фразеологические единицы. Автор ставит целью дать определения этим понятиям и обращает внимание на их теоретическую и практичскую значимость.

Abstract

This article is devoted to the study of linguistic notions as paraphrase, figurative expression, derivation, set expressions, free expressions, (set phrases), and phraseological units. The author aims to differentiate among these notions and greatly paid attention to the theoretical and applied value of them.

Калит сўзлар: парафраза, деривация, образли тасвир, турғун ифода, турғун бўлмаган ифода.

Ключевые слова: парафраза, образное описание, деривация, неустойчивое выражение, устойчивое выражение, оборот речи.

Keywords: paraphrase, derivation, figurative expression, free expression, set expression.

Парафраза сўзи асли юнонча (paraphrasis) бўлиб, у тилшуносликда “образли ифода” маъносида қўлланилмоқда. Бу ҳақда А.Ҳожиевнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да қуйидаги изоҳ келтирилган: “Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодалайдиган стилистик приём. Масалан, дала маликаси, (макка жўхори)”(1,67).

Ўзбек тилшунослигида парафраза хусусидаги илмий маълумот, асосан, М.Миртожиевнинг тадқиқотларида мукаммалроқ берилганини кўрамиз. Олимнинг таъкидлашича, “Парафразалар маълум бўлаги ёки бўлаклари кўчма маънода бўлиб, улар маъноси синтезидан ташкил топган, бир тушунчани билдирувчи луғавий бирликдир. ... Парафраза ҳолида мақом олган бирикмада, гарчи семантик қайта бўлиниш кечган бўлса ҳам, унда синтактик қайта бўлиниш кузатилмайди”(2,42).

Дарҳақиқат, парафразалар тилимиз луғат бойлигида тайёр ҳолда мавжуд бўлади ва шу боис уларни турғун сўз бирикмалари жумласига киритамиз: ақл гимнастикаси, само лочинлари, қанотли дўстлар, чарм қўлқоп устаси, мўйқалам соҳиби, илм ўчоғи ва ҳ.к.

Шуни ҳам айтиш лозимки, баъзи тилшунослар парафразаларни фразеологик ибора тарзида талқин этадилар. Профессор А.Н.Кожин, масалан,
“голубой экран” (“зангори экран”) парафразасини фразеологик ибора сифатида таҳлил қилган (3, 80). Бизнингча, парафразалар соф турғун бирикмалар жумласига киради. Тўғри, уларда ўзига хос маъно мажозийлиги кузатилади. Бироқ, шундай бўлса ҳам, уларнинг умумий маъноси салмоғи компонентларининг маъноларидан келиб чиқади. Бироқ мазкур мажозийлик парафраза боғланаётган асл сўзга нисбатан аҳамият касб этади. Парафраза компонентлари эса ўз луғавий маъноларида қўлланилиб, умумий маънони англатади. Қиёсланг:

Зангори экран – мажозий маъно – телевизор.

Зангори – ўз луғавий маъносида.

Экрани зангори рангдаги предмет =умумий маъно.

Кўринадики, парафразаларда бир пайтнинг ўзида синтактик деривациянинг ҳам, семантик деривациянинг ҳам воқеланиши кузатилади.

Парафразаларда денотат-сигнификат муносабати муҳим мавқе касб этади. Бунда, агар таъбир жоиз бўлса, бирламчи(асл) ва иккиламчи (нисбий) денотат тушунчаси вужудга келади. Фикр исботи учун қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик:

1. Пешона тери эвазига яратган “оқ олтин”идек қалби тоза деҳқонларга топганингиз тўйга буюрсин деймиз (“Qishloq haqiqati”).
2. Анча тўлишиб қолган моҳи тобон ҳали замон жамолини кўрсатса керак (Ҳ.Ғулом. “Қорадарё”).
3. У киши руҳининг инженерлари даврасида номи тилга олинишидан ғоят мамнун ва бахтиёр кўринарди, менинг тасаввуримда (Н.Сафаров. “Оловли излар”).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *оқ олтин* парафразаси қатнашиб, унда *олтин* сўзи нисбий, бошқача айтганда, иккиламчи характерли денотат вазифасини бажармоқда. Унинг нисбийлиги шундаки, бу ўринда *олтин* сўзи орқали бирламчи денотат, яъни асл денотат *пахта* тушунчаси алмаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, *олтин* сўзига мажозий маъно бериб, парафраза ёки образли/тасвирий ифоданинг воқеланишига олиб келмоқда.

Берилган мисолларнинг икккинчисида *моҳи тобон* парафразаси қўлланилганини кўрамиз. Айни пайтда парафраза шаклланиши тилларароо трансформация қоидаси доирасида рўй бермоқда. Зотан, форс-тожик тилида моҳ сўзи *ой* маъносини беради, *моҳи тобон* бирикмаси эса *мунаввар ой* тушунчасини ифодаламоқда.

Кўринадики, парафраза таркибидаги биринчи сўз нисбий (иккиламчи) денотат мавқеида келиб, асл денотат *ой* сўзини алмаштирмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, бирламчи (асл) денотатда мажозийлик маъноси бўлмайди, парафраза доирасидаги иккиламчи денотат эса аксарият ҳолларда бирламчи (асл) денотатга нисбатан мажозий маъно касб этади.

Учинчи мисолда *киши руҳининг инженери* парафразаси қатнашиб, унда иккиламчи характерли денотат бу ўринда *ёзувчи* маъносида келаётган бирламчи денотат билан боғланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, парафраза ўзи ўзи учун эмас, балки бирламчи денотат учун хизмат қилади ва умумий планда тасвирий ифода сифатида бирламчи (асл)денотатининг сигнификати вазифасини бажаради. Парафраза сатҳида иккиламчи характерли денотат белгиланиши эса лингвистик таҳлил жараёнидагина аҳамият касб эта олади.

Парафраза икки ва ундан ортиқ компонентли бўлиши мумкин. Бироқ компонентлари сонидан қатъий назар, у синтагма қолипида келади. Синтагма эса ҳар қандай вазиятда ҳам аниқловчи-аниқланмиш муносабатини тақозо этувчи турғун бирикмани ташкил этади. Бироқ парафраза структурасини ташкил этаётган сўзлар таркиби турлича бўлиши мумкин: *само лочинлари, чарм қўлқоп устаси, зангори кема капитани.*

М. Миртожиев парафразалар маъноси бир тушунчага асосланса ҳам, уларда прагматик сема бўлиши шарт эканлигини тўғри таъкидлайди (4, 185). Дарҳақиқат, ҳар қандай парафразада ҳам прагматик сема мавжудлигини кузатамиз. Масалан, қанотли дўстлар ёки зангори экран парафразаларининг биринчисида нафақат қушлар ҳақида, балки уларнинг яхши фазилати – инсоннинг дўсти эканлиги, иккинчи мисолда эса фақат телевизор ҳақида эмас, балки унинг зангори ранг касб этган гўзаллиги

хусусида ҳам маълумот берилаётганини кўрамиз. Бирламчи денотатларда эса бундай прагматик сема кузатилмайди.

Парафразалар, ўзининг асл денотатларидан фарқли равишда, ички семантик салмоғига кўра, воқеликка муносабат ҳам билдиради:

1. *Хаёл денгизига чўмган Ойқизнинг тобора асабийлашаётгани сезилиб турарди* (Ш.Рашидов. “Бўрондан кучли”).
2. *Тарбия ўчоғи – мактабимизни севамиз.*
3. *Гулларни кўрдиму гул парвонаси асаларилар эсимга тушди* (Н.Сафаров. “Оловли излар”).

Айни пайтда биринчи мисолда берилаётган хаёл денгизи парафразасининг ички семантик салмоғида *Бу – ҳаёл денгизидир* тарзидаги, иккинчи мисолда берилган *тарбия ўчоғи* парафразасининг ички семантик салмоғида эса структурасини *Бу – тарбия ўчоғидир*, учинчи мисолда эса *гул парвонаси* парафразасининг ички маъносида *Бу – гул парвонасидир,* деган маънолар яширинган. Бу, ўз навбатида, уларнинг яширин ҳолдаги предикативлик белгисига эга эканлигидан далолат беради. Предикативликнинг мазкур кўринишини лингвистик адабиётларда атомар предикат тушунчаси воситасида аташмоқда.

Парафразалар ўз асл денотатларидан фарқли ўлароқ, ҳар доим ҳосила структураларни тақозо этади. Уларнинг бу хусусияти, албатта, деривацион нуқтаи назардан баҳоланади.

Парафразалар ўзига хос турғун сўз бирикмаларидир. Шундай бўлгач, улар тайёр ҳолдаги ҳосила (дериват)ларни ташкил этади. Бошқача айтганда, барча сўз бирикмаларида бўлганидек, парафразалар синтактик деривацияси гап деривацияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган таянч структураларсиз воқеланади.

Парафразалар ҳам турғун характерли бўлиб, уларда ўзига хос маъно мажозийлигини кўрамиз. Бироқ парафразанинг умумий маъноси компонентларининг хусусий маъноларидан келиб чиқади. Бу эса маъно мажозийлиги фақат парафраза боғланаётган асл сўзга нисбитан аҳамият касб этади.

Парафразада англашилаётган маъно (сигнификат) бир пайтнинг ўзида икки денотат – бирламчи ва иккиламчи денотатлар билан боғлиқ бўлади. Парафразада бир пайтнинг ўзида семантик деривация ҳам, синтактик деривация ҳам воқеланади. Семантик деривациянинг рўй бериши бирламчи денотат билан, синтактик деривациянинг содир бўлиши эса иккиламчи денотат бевосита алоқадордир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент,1985. – 67-б.
2. Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент, 2000. 42-б.
3. Кожин А.Н. Слова-термины и термины- фразеологизмы // Вопросы фразеологии. 3. – Самарканд, 1970.
4. Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2007,185-б.